

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни.

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



БАРКАМОЛ АВЛОД — КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ



BUNYODKOR YOSHILAR

JIZZAKH POLITEKNIKA INSTITUTINING GAZETASI

№ 5 (185)

MAY, 2018 YIL

ISSN №2010-7870

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДАГИ

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ АСЛО УНУТИЛМАЙДИ!

БИЗГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК

Эрсевар ва бағрикенг халқимизнинг азалий миллий қадрияти ҳаммамизни юксаклик сари чорламоқда.

Инсон хотираси билан азиз

**ОРЗУСИ ФАН
ДОКТОРИ
БЎЛИШ ЭДИ**

9 май оқатлагидек, бу йил ҳам бутун мамлакатимиз бўйлаб Умумхалқ жангоҳларда жасорат кўрсатишган

INTRAS – МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ

Ёки муҳандислик таълимини такомиллаштириш йўлидаги яна бир дадил қадам

Ўзбекистонда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар олий муҳандислик таълимига ҳам бевосита тегишли бўлиб, ҳукуратимиз бу соҳага алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ҳамда 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистон Республикасининг юксак тараққиётини таъминлаш, унинг индустриал жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига кўшилишида мураккаб инновацион технологияларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва такомиллаштириш салоҳиятига эга бўлган юқори малакали муҳандислар жуда зарур.

Бугунги кунда муҳандислар тайёрлаш тизимининг асосий муаммоси шундаки, Ўзбекистон бозорига, ривожланган мамлакатлар томонидан (Япония, Хитой, Европа давлатлари, АҚШ ва ҳаказо) юқори ва интеллектуал технологиялар ҳамда улар асосида яратилган ускуналар ҳамда қурилмалар кириб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда интеллектуал транспорт тизимини яратиш, уни бошқариш ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида самарали фойдаланишни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Олий таълим тизимининг ажралмас қисми бўлган муҳандислик таълимининг асосий вазифаларидан бири, бу замонавий жамоавий иш шароитларида мураккаб технологияларни яратиш, эксплуатация қилиш малакасига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш, уларда индустриал тафаккурни шакллантириш ҳисобланади.

Бу борада Жиззах политехника институти жамоаси Республикаимиз Президенти ва ҳукуратимизнинг доимий эътиборини чуқур ҳис қилган ҳолда, Европа иттифоқининг «Таълим,

Танлаб олинган лойиҳалар орасида Ўзбекистон олий ўқув юртлари қатнашаётган лойиҳалар сони 7 та бўлиб, шуларнинг ичида Жиззах политехника институти иштирок этаётган лойиҳалардан бири Ўзбекистонда ахборот коммуникация технологиялари асосида интеллектуал транспорт тизимлари бўйича янги магистратура мутахассислигини яратиш муаммосига қаратилган лойиҳадир.

Лойиҳанинг расмий рўйхатдан ўтказилган номи “586292-EPP-1-2017-1-PL-EPPKA2-SVHE-JP INTRAS (Intelligent

Transport Systems: New Ict-Based Master’s Curricula in Uzbekistan) бўлиб, унда Европа иттифоқидан Польша, Австрия ва Словакия олий ўқув юртлари Ўзбекистон томонидан эса 6 та олий таълим муассасалари, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда 3 та ишлаб чиқариш корхоналари иштирок этишмоқда (1-расм).

Лойиҳанинг асосий кенг қамровли мақсади ахборот коммуникациялари соҳасида муҳандисларнинг янги авлодини тайёрлаш тизимини ва инфратузилмаларни яратишдан иборат.

Лойиҳа режасида кўзда тутилган дастурлар асосида тайёрланган муҳандислар Ўзбекистоннинг транспорт соҳасидаги давлат бошқаруви, саноат тармоқлари ва хусусий секторларидаги маҳаллий ва ҳудудий муаммоларни ҳал қилаолиш лаёқатига эга бўладилар. Ушбу мақсадга эришиш учун олти олий таълим муассасаларида янги магистратура дастурлари (тўлиқ ўқув таъминоти билан биргаликда) яратилади.

(Давоми 4-бетда)

Саноат технологиялари факультети талабаси Ирода Зиёдова кўлга киритди.

“Ибрат” талабалар театри студиясининг жамоаси 18 май куни Самарқанд шаҳрида бошланадиган талабалар театрлари студияларининг навбатдаги ҳудудий босқичида қатнашади.

(Ўз мухбиримиздан).

Ногиронларга ғамхўрлик


СИҲАТГОҲГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонининг ижроси йўлида Жиззах политехника институти “Электромеханика ва радиоэлектроника” факультетининг биринчи босқич талабаси, I гуруҳ ногирони И.Каримовга Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 1.677000 сўмлик йўлланмаси тақдим этилди.

Республикаимиздаги “Ботаника” сиҳатгоҳига ўз саломатлигини тиклаш учун талабага берилган бепул йўлланмасини институт ректори А.Усманкулов топширди.

Сиҳатгоҳ йўлланмасини олган талаба И.Каримов бундай ғамхўрлик ва эътибор учун Республика раҳбариятига, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига ўз миннатдорчилигини билдирди. Ушбу ғамхўрликка жавобан аъло баҳоларга ўқишга, жамоат ишларида фаол иштирок этишга, келажақда етук мутахассис бўлиб Ватан йўлида фидойилик билан ишлашга ваъда берди.

М.ХАМИДОВ.



ЖизПИ – Халқаро лойиҳа иштирокчиси

INTRAS – МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ

Ёки муҳандислик таълимини такомиллаштириш йўлидаги яна бир дадил қадам

(Давоми. Аввали 2-бетда)

Лойиҳага Европанинг учта мамлакатидан қуйидаги нуфузли университетлар жалб қилинган бўлиб, айнан ушбу таълим муассасалари интеллектуал транспорт тизимлари соҳасида жаҳон ва Европа университетлари орасида етакчи ўринларни эгаллаганлар (2-расм).

Лойиҳани бажаришнинг уч йиллик муддати даврида ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалар қуйидаги муаммоларни ечишга қаратилган:

- интеллектуал транспорт тизими бўйича янги магистратура дастурини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистоннинг олтита олий ўқув юртида интеллектуал транспорт тизими бўйича ўқув ва илмий потенциални яратиш;

- ахборот коммуникация технологияларига асосланган интеллектуал транспорт тизими бўйича лабораторияларни яратиш;

- олий ўқув юрлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Гданск технология университети (GUT)

• Бош координатор

Польша

Жилин университети

• Ҳамкор

Словакия

Клагенфурт алпен-адра университети

• Ҳамкор

Австрия

2-расм. Лойиҳанинг Европа қитъаси бўйлаб қамрови

Лойиҳанинг умумий бюджети 814635 евродир.

Институтимиз олимларининг ушбу лойиҳадаги иштироки Ўзбекистонда муҳандислик таълимини такомиллаштириш йўлида яна бир дадил қадам бўлди. Лойиҳани амалда бажариш давомида орттириладиган тажрибалар, олинадаган кўникма ва малакалар республикаимиз иқтисодийетини ривожлантиришда муҳим бўлган ҳисобланган транспорт тизимларидан самарали фойдаланишда қўл келади. Соҳа бўйича

таълим оладиган, хусусан транспорт соҳасида тайёрланадиган мутахассислар "Интеллектуал транспорт тизимлари" бўйича реал шароитларда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда энг мураккаб вазифаларни бажариш лаёқатига эга бўладилар ва иқтисодимиз ривожига муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб умид қиламиз.

Салоҳиддин УСМАНОВ,
Таълим сифатини назорат қилиш бўлимининг бошлиғи,
лоийҳа координатори.

Хандалар



Эшмат кечки пайт уйига эшагида қайтаётган экан, йўлда дўсти чиқиб, ҳазиломуз оҳангда:

- Э, Эшмат, сени эшагингдан танибман деса, Эшмат дўстига қараб:
- Ҳар ким қариндошини яхши танийдида, дебди.

Эр кўчадан ичиб келибди. Хотинининг жаҳли чиқиб:

- Бир кун ҳам ичмаган кунингиз йўқ. Агар шу ичкиликни ташласангиз, катакдаги хўрозни сўйиб, ширин овқат қилиб бераман, дебди.

Эртасига эр яна ичиб келиб, хўрозини кучоклаб:

- Қўрқма, сен хали кўп яшайсан, дермиш.

Тўпловчи:
Шахзод БАҲРИДДИНОВ.

ЁШ КЕЛИНЛАРГА МАСЛАҲАТ

(Ҳазил шеър)

Қайнонангни қайнатма,
Жиғи бийрон бўлмасин.
Ҳурмат қилиб эъзозла,
Паймонаси тўлмасин.

Нима қилсанг қайтади,
Эрта бир кун ўзинга.
Тавба қилиб қоласан,
Барча айтган сўзинга.

Қайнонанг онанг каби,
Сенга қилмас ёмонлик.
Қадрласанг топасан,
Ҳар доимо омонлик.

Қайнонали келинлар,
Бўлар доим қарқара,
Қайнонаси йўқлар-чи,
Кўпи элга масҳара.

Равшан ХИДОЯТОВ.